

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

# GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"ASKO-VOSTOK" AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG'URTA TASHKILOTI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"ASKO-VOSTOK" AJ ST

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 811 568

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

10.01.1994

Sana

10-000534

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YAKKASAROY TUMANI, MUQANNA 1-BERK KO'CHASI, 2-UY

Tomonidan berilgan:

YAKKASAROY TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1405356





## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)  
200 811 568

Nomi  
ASKO-VOSTOK

Tashkiliy-huquqiy shakli  
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)  
Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, MUQANNA 1-BERK  
KO'CHASI, 2-UY


### O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)  
200 811 568

Nomi  
ASKO-VOSTOK

Tashkiliy-huquqiy shakli  
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)  
Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, MUQANNA 1-BERK  
KO'CHASI, 2-UY



19.10.2023

2293078

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1405355





## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot


Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 351864303

Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

35 186 430 300 so'm



19.10.2023

2293078

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1405355





## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

**Oddiy aksiyalar**

Aksiyalar soni: 501864303

Aksiya bahosi: 100 so'm

Ustav fondi

50 186 430 300 so'm

19.10.2023

2293078

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1405355



«ASKO-VOSTOK» AJ ST  
акциядорларининг  
2023 йил 16 октябрдаги  
умумий йиғилиши қарори билан  
«ТАСЛИҚЛАНГАН»



Йиғилиш раиси

Ҳасимова Д.К.

**«ASKO-VOSTOK»  
Aksiyadorlik jamiyati  
Sug'urta tashkiloti  
УСТАВИ**

## МУНДАРИЖА:

1-МОДДА.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2-МОДДА.	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	3
3-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ	4
4-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ	5
5-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ	6
6-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ	6
7-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР	6
8-МОДДА.	ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ, АКЦИЯДОРДАН АКЦИЯЛАРНИ ОЛИШГА БЎЛГАН ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚ	7
9-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ	8
10-МОДДА.	ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ	9
11-МОДДА.	ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ	10
12-МОДДА.	АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ	10
13-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ	11
14-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ОРГАНИ	14
15-МОДДА.	ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	15
16-МОДДА.	СИР САҚЛАШ	16
17-МОДДА.	НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ	17
18-МОДДА.	ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР	17

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ASKO-VOSTOK» Aksiyadorlik jamiyati sug'urta tashkiloti (матн давомида «Жамият» деб номланади) «ASKO-VOSTOK» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug'urta tashkiloti Qo'shma korxonasi таъсисчилари умумий йиғилишининг 2022 йил 27 январдаги 2-сонли акциядорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорига асосан қайта ташкил этилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 10 январда 534 – сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатида олинган «ASKO-VOSTOK» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi sug'urta tashkiloti Qo'shma korxonasi нинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.4. Жамиятнинг фирма номи:

• **Ўзбек тилида:**

тўлиқ номи: «ASKO-VOSTOK» Aksiyadorlik jamiyati sug'urta tashkiloti;

қисқартирилган номи: «ASKO-VOSTOK» AJ ST;

• **Рус тилида:**

тўлиқ номи: Страховая организация акционерное общество «ASKO-VOSTOK»;

қисқартирилган номи: СО АО «ASKO-VOSTOK»;

• **Инглиз тилида:**

тўлиқ номи: Insurance Organization «ASKO-VOSTOK» Joint-Stock Company;

қисқартирилган номи: IO «ASKO-VOSTOK» JSC;

1.5. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100070, Яккасарой тумани, Муқанна 1-берк кўчаси, 2-уй.

Жамиятнинг веб-сайти: [www.askovostok.uz](http://www.askovostok.uz)

Жамиятнинг электрон почта манзили (e-mail): [info@askovostok.uz](mailto:info@askovostok.uz)

1.6. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

## II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамият фаолиятининг соҳаси Ўзбекистон Республикасида ва хорижда умумий суғурта фаолиятини олиб бориш, яъни фуқаролар мулкани, корхона, давлат, ташкилот ва муассасаларнинг мулкани, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталаш хизматини кўрсатиш ҳисобланади.

2.2. Жамият фаолиятининг мақсади мазкур Уставнинг 2.3. бандида кўрсатилган фаолиятларни амалга ошириш йўли билан даромад топишдир.

2.3. Қуйидагилар Жамият фаолиятининг асосий вазифалари ҳисобланади:

2.3.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ (шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурталаш ва ҳаётни суғурталаш соҳасига таалуқли бўлмаган суғуртанинг бошқа турлари) умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятининг барча турлари ва шаклларини амалга ошириш;

2.3.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳолда суғурта фаолиятини амалга ошириш ва у билан чекланиб қолмаслик:

- юридик ва жисмоний шахслар мулкий манфаатларини суғурталаш;

- Ўзбекистон Республикасига капитал киритувчи вакил, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пудрат ёки бошқа битимлар бўйича муайян ишларни бажарувчи мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари ва бошқа хўжалик субъектлари, хорижий ва халқаро фирмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг мулкий ва шахсий манфаатларини суғурта билан ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда ўз фаолиятини амалга оширувчи мамлакатимиз ва хорижий

дипломатик хизматлар, ваколатхоналар ва савдо уйларининг мулкӣй ва шахсий манфаатларини суғурта билан ҳимоя қилиш;

- экспорт – импорт юк ташилишини суғурта қилиш;
- биргаликда суғурта фаолияти ва қайта суғурталашни олиб бориш мақсадида халқаро, хорижий ва мамлакатимизнинг давлат ва хусусий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш;
- Жамият ҳодимларининг стажировкасини ўтказиш ва малакасини ошириш мақсадида хорижий ва мамлакатимиздаги суғурта ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли органлари томонидан ва қонунчилик билан белгиланган тартиб ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
- суғурта соҳасида мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш;
- суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш.

#### 2.4. Жамият мақсадига эришиш ва суғурта операцияларини самарали ўтказиш учун:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида рухсат этилган даражада Жамият фаолияти учун талаб этилган товарлар, хизматлар, ускуналар ва материалларни импорт ва экспорт қилади;
- белгиланган тартибда суғурта тўловлари ва суғурта суммалари миқдорини аниқлайди ва тўлайди;
- Суғурта мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда миллий валютада ҳам, чет эл валютасида ҳам тўланган суғурта мукофотларидан суғурта захираларини шакллантиради ва жойлаштиради
- ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилади, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилади.
- инвестиция фаолиятини амалга оширади;
- қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширади
- суғурта ҳолатларини олдини олишга йўналтирилган огоҳлантириш тадбирларини ўтказиши;
- суғуртанинг шarti ва тартибини белгилайди, суғуртанинг турлари бўйича тарифларни белгилайди;
- шартнома тузади ва улар бўйича ҳисоб – китоб қилади, агентлар тайинлайди ва комиссия мукофотлари тўлайди, қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида мажбуриятни ўз зиммасига олади;
- суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузади.
- авария комиссари функциясини бажаради;
- белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси банкларида миллий ва хорижий валютада ҳисоблар очади ва ёпади ҳамда тузиладиган шартномалар билан ишлаш учун муҳбирлик ҳисоблари тармоғидан фойдаланади;
- Жамиятнинг мулки ва активларини гаровга ёки ижарага беради, сотади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ исталган бошқа йўл билан уни тасарруф этади;
- музокаралар олиб боради, буюртма ва шартномалар ишлаб чиқади, сотади, айирбошлади ёки уларда иштирок этади, давлат органлари ва идоралари, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар билан шартнома ва битимлар тузади.
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва унинг шартларига мувофиқ молиявий заёмлар беради ва олади.

2.5. Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган ва Жамият Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият турлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

2.6. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

### **III. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ**

3.1. Жамият – акциядорлик жамияти шаклида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига асосланиб таъсис этилган бўлиб, суғурта ташкилотлари учун қонунчиликда кўрсатилган тартибда барча имтиёзлардан фойдаланади.

3.2. Жамиятнинг фаолияти ушбу Уставга, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларга асосланиб олиб борилади.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунларига асосланиб давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб, юридик шахс мақомини олади.

3.4. Жамият юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансига ва ҳисоб рақамига эга. Жамият ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисоб рақамларни очиши мумкин.

3.5. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

3.6. Жамият акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият шаклида шўъба корхоналарига эга бўлиши мумкин.

Шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

3.7. Жамият Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларига эга. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради. Филиал раҳбарлари Жамият Бош директори томонидан тайинланади ва Ишончнома асосида иш юритади.

3.8. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда олдига қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидагиларга ҳақлидир:

- Халқаро ҳамкорлик ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш;
- Чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мол-мулкни эгаллаш, мулкый ҳуқуқларни, интеллектуал мулкни эгаллаш, олиш ва ижарага бериш;
- Уюшмалар, консорциумлар, акциядорлик компаниялари, бирлашмаларга кириш;
- Банкларда белгиланган тартибда ҳар қандай, шу жумладан валюта ҳисоб рақамлари очиш, қарз ва банк кредитлари олиш, Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай тўлов шаклларини ўтказиш ва акцептлаш, Конвертация қилишнинг тартибига мувофиқ ваколатли банклар орқали ўз маблағларини конвертация қилиш;
- Тендерлар, конкурсларда катнашиш;
- Мустақил равишда ўз ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини режалаштириш;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ходимлари учун қўшимча таътилар, кискартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилаш;

3.9. Суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан суғурта ташкилотлари учун тақиқланмаган бошқа қонуний ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### IV. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

4.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар томонидан олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамиятнинг Устав фонди **50 186 430 300,00** (эллик миллиард бир юз саксон олти миллион тўрт юз ўттиз минг уч юз) сўм миқдориди шакллантирилган.

4.3. Жамият Устав фонди 501 864 303 (беш юз бир миллион саккиз юз олти миш тўрт минг уч юз уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборатдир.

4.4. Бир дона оддий акциянинг номинал қиймати 100,00 (бир юз) сўм.

4.5. Жамият устав фондининг миқдори лицензия талабларига мос келиши керак.

#### VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ

5.1. Жамиятнинг Устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.3. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.4. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.5. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдориди рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.6. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.7. Жамият акциялари учун тўлов фақат пул маблағлари билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

#### VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

6.1. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.2. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

6.3. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

6.4. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

## **VII. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР**

7.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

7.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

7.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

7.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

7.5. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва/ёки ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.6. Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

7.7. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.8. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

7.9. Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 100,00 (бир юз) сўмлик 500 000 000 (беш юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

## **VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ, АКЦИЯДОРДАН АКЦИЯЛАРНИ ОЛИШГА БЎЛГАН ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚ**

8.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- жамиятнинг акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, ўзига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш;

– қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

#### **8.2. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:**

– мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нарҳини тўлаш;

– Ўзига тегишли Жамият акцияларини сотишда бошқа акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини таъминлаш;

– мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;

– Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;

– ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини хабардор қилиш.

**8.3.** Жамият акциядорлари ўзларига тегишли булган акцияларни қонунчилик ва мазкур уставда назарда тутилган акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда исталган шахсларнинг тасарруфига ўтказишлари мумкин.

**8.4.** Жамиятнинг акциядорлари бошқа акциядорлар томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилган нарҳларда ва шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар. Имтиёзли ҳуқуқдан тўла/қисман фойдаланиш тўғрисидаги билдиришномада акциядорнинг исми (номи), яшаш жойи (жойлашган жойи) ва сотиб олмақчи бўлган акцияларнинг сони акс эттирилган бўлиши ва Жамиятга мазкур Уставда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш учун белгиланган муддат мобайнида жўнатилиши лозим.

**8.5.** Акциядорлар сотувга таклиф қилинган акцияларнинг ҳаммасини ёки уларнинг исталган қисмини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

**8.6.** Агарда, бир неча акциядорлар сотувга таклиф қилинган Жамият акцияларини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисидаги истакларини маълум қилсалар ва бошқа акциядор/лар Жамият акцияларини сотиш истагида бўлсалар, сотилаётган акцияларнинг умумий сони акцияларни сотиб олишга қизиқиш билдирган акциядорлар ўртасида, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

**8.7.** Агар акциядор/лар акцияларни сотиб олишга оид имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаса/лар ёки қисман фойдаланса/лар, Жамият акцияларини сотиш истагини билдирган акциядор акцияларни/акцияларнинг қолган қисмини учинчи шахсларга мазкур шартларда сотиш ҳуқуқига эга.

**8.8.** Ўз акцияларини учинчи шахсга сотмоқчи булган Жамият акциядори акцияларнинг сотув нарҳини ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда Жамиятнинг бошқа акциядорларини ёзма равишда хабардор этиши шарт, ушбу хабар Жамият акциядорларига Жамият орқали хабар юборилиши мумкин.

**8.9.** Акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш муддати акциялар сотувга таклиф этилган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) кунни ташкил этади.

**8.10.** Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати, агар ушбу муддат тугагунга қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланишдан бош тортиш тўғрисида ёзма хабар олинган тақдирда тугайди.

**8.11.** Мазкур имтиёзли ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга йул қўйилмайди.

**8.12.** Қуйидаги ҳолларда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқи қўлланилмайди (акциядорларнинг розилиги олинмайди):

- Жамият томонидан қонунчиликда белгиланган ҳолларда ўз акциялари сотиб олинганда;

- мулк ҳуқуқи асосида акциядорнинг меросхўрлари ёхуд юридик шахс ҳисобланадиган акциядорнинг ҳуқуқий ворисларига акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқи ўтаётганда;

- акциялар яқин қариндошларга ҳадя қилиб берилганда;

- акциялар гаровга қўйилганда.

**8.13.** Акциялар акциядорларнинг мазкур Уставда белгиланган имтиёзли ҳуқуқи бузилиб сотилганда Жамиятнинг исталган акциядори суд тартибида уларга хариддорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини талаб қилишга ҳақли.

**8.14.** Акцияларни сотиб олиш ва сотишга доир барча низолар суд тартибида ҳал этилади.

**8.15.** Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эгадирлар.

## **IX. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ**

**9.1.** Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа захира фондларини ташкил қилади.

**9.2.** Жамият устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридан захира фонди ташкил этилади.

**9.3.** Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Захира фонди Жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар ажратилмаган ажратма миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**9.4.** Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

**9.5.** Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

**9.6.** Жамият томонидан барча олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, махсус ваколатга эга органлар томонидан ишлаб чиқилган тартибда, сўм ва чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотлари ҳисобига захира фонди шакллантирилади.

**9.7.** Жамият томонидан бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

## **X. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

**10.1.** Дивидендлар Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланмаган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

**10.2.** Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши лозим.

**10.3.** Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

**10.4.** Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

**10.5.** Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

**10.6.** Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

**10.7.** Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

**10.8.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

**10.9.** Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

**10.10.** Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтамиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

**10.11.** Жамият қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

– агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

– агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

**10.12.** Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

## **XI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

**11.1.** Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

- **Акциядорларнинг умумий йиғилиши** – Жамиятнинг юқори бошқарув органи;
- **Кузатув кенгаши** – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;
- **Ижроия органи** – Бош директор.

**11.2.** Қуйидаги орган Жамиятнинг назорат қилувчи органи ҳисобланади:

- **Жамиятнинг ички аудит хизмати** – Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари, Жамиятнинг таркибига кирувчи корхоналар ишини назорат қилишни ва баҳолашни амалга оширади.

## **XII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**12.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

**12.2.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

**12.3.** Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

**12.4.** Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

**12.5.** Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу Уставнинг 12.8. – банди ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошиларига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

**12.6.** Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қонунчиликка мувофиқ, йиғилиш чақириш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг талабига биноан ўтказилади.

**12.7.** Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

**12.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирadi:**

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар белгилаш ва тўлаш ;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшитиш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

**12.9.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

**12.10.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

**12.11.** Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми ва «Санок комиссияси тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

### **ХIII. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**13.1.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

**13.2.** Кузатув кенгашининг фаолият тартиби Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

**13.3.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши 3 (уч) нафар аъзодан иборат бўлиб, улар қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган тартибда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

**13.4.** Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

**13.5.** Жамиятнинг Бош директори Кузатув кенгашига сайланиши, тайинланиши мумкин эмас.

**13.6.** Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**13.7.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

**13.8.** Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

**13.9.** Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

**13.10.** Жамият Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

**13.11.** Жамиятнинг кузатув кенгаши, ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

**13.12.** Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

**13.13.** Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

**13.14.** Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, Бош директор шунингдек Жамият уставидан белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

**13.15.** Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қиладиган акциядорлар (акциядор) Кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиши ва кун тартиби, даромад тақсимоти, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишига алмаштириш бўйича таклифлар ва мурожаат этишга ҳақлидир.

**13.16.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**13.17.** Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

**13.18.** Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

**13.19.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

**13.20.** Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

**13.21.** Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

**13.22.** Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

**13.23. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:**

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли ҳужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

- Жамият томонидан акциялар, корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тафтишчисига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
  - дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
  - Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
  - Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
  - Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларини ташкил этиш;
  - Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
  - Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
  - Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
  - Корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш ва низомини тасдиқлаш;
  - Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.
- 13.24.** Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

#### **XIV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ОРГАНИ**

- 14.1.** Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.
- 14.2.** Жамият Бош директори ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 14.3.** Бош директор акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.
- 14.4.** Жамият Бош директори ваколатларига қуйидагилар киради:
- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
  - давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
  - Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
  - Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлайди;
  - Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди;
  - Бош директорнинг буйруқлари ва фармойишларига мувофиқ Бош директор ваколатларининг барчасини ёки бир қисмини амалга оширувчи Бош директор ўринбосарларини тайинлайди ва вазифасидан озод этади;
  - Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
  - Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлайди;
  - Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
  - Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;
  - ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

– Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

– Жамият номидан қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

– Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

**14.5. Жамият Бош директорининг жавобгарлиги.**

– Жамият Бош директори ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда, Жамият манфаатларини кўзлаб, ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиши керак.

– Жамият Бош директори ўзининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли Жамиятга етказган зарари учун, Жамият олдида, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва у билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

– Жамият Бош директорининг жавобгарлиги асослари ва миқдорини аниқлашда иш муомаласи одатлари ва иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлар эътиборга олинади.

– Жамият ёки унинг акциядори, Жамиятнинг Бош директори томонидан Жамиятга етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

**14.6. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, Жамият уставида ҳамда Жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.**

**14.7. Бош директор ва Жамият ўртасидаги шартномани Жамият номидан Жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.**

**14.8. Жамиятнинг Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.**

**14.9. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлади.**

**14.10. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.**

**14.11. Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга ҳақли.**

**14.12. Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.**

## **XV. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **15.1. Ички аудит хизмати**

15.1.1. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

15.1.2. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган

талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15.1.3. Ички аудитор ҳар чорак натижалари бўйича ва молия йили тугагандан сўнг, Жамият акциядорлари умумий йиғилишига ҳисобот топширади. Ички аудит хизматининг хизмат вазифалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ўрнатилади. Ички аудит хизмати ходимлари билан меҳнат шартномасини Жамият Бош директори имзолайди.

15.1.4. Ички аудиторнинг иш режаси Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

15.1.5. Ички аудит хизмати фаолияти акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаган «Ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

## XVI. СИР САҚЛАШ

16.1. Жамиятнинг акциядорлари ва ходимлари томонидан бир бирига бериладиган, жамият фаолиятига боғлиқ техник, тижорат ва молиявий маълумотлар сир ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир акциядори ва ходими олинган маълумотларни сир сақлашлари, сирни бошқалар олдида сақлаш чораларини кўришлари шарт.

Маълумотлар ушбу Устав мақсадига мувофиқ махфий ҳисобланмайди агар:

- маълумот олинган вақтида акциядор – олувчига маълум бўлса;
- акциядор ва Жамият иштирокисиз ҳаммага маълум бўлган маълумотлар;
- маълумот акциядорга Жамиятга алоқаси бўлмаган учинчи шахс томонидан берилса.

16.2. Ҳар қандай махфий маълумотларни ошкор этиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳамда махсус қоида ва талаблар асосида бажарилиши шарт.

16.3. Акциядорлар махфий маълумотларни чекланмаган муддатга сир сақлашлари зарур, ҳаттоки акциядор Жамият акциядорлари сафидан чиққан бўлса ҳам.

## XVII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

17.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишув йўли билан қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар суд орқали Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## XVIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18.1. Жамият Уставида кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тартибга солинади.

18.2. Агар мазкур Уставнинг бирорта моддаси амал қилишдан тўхтаса, бу бошқа моддаларни ва умуман Уставнинг амал қилишига таъсир қилмаслигини таъкидлаш керак эмас.

18.3. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

«ASKO-VOSTOK» AJ ST  
Бош директори



Закиров Б.Т.